

Сийрат дарслари (216-дарс) Ҳаё зийнатдир



19:00 / 03.02.2023 3290

839. Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Фаҳш нимада бўлса, албатта, ўшани шарманда қилади. Ҳаё нимада бўлса, албатта, ўшани зийнатлайди», дедилар».

Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

* * *

840. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: «Фақат ушбу икки нарсадагина ҳасад

қилса бўлади: Аллоҳ бир одамга Қуръонни бергану, у ўша билан кечасию кундузи бедор бўлади. Аллоҳ бир одамга мол бергану, у ўшани кечасию кундузи нафақа қилади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

841. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одам боласи қарийди. Ундаги икки нарса эса ёшлигидагича қолади: молнинг ҳирси ва умрнинг ҳирси», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

842. Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кишининг мол-дунё ва шуҳратга бўлган ҳирси унинг дини учун қўйлар ичига қўйиб юборилган икки оч бўридан ҳам ёмондир», дедилар».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

* * *

843. Ибн Зубайр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«У Маккада минбарда туриб хутба қилди: «Ҳой одамлар! Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтардилар: «Агар одам боласига водий тўла тилло берилса, иккинчисини истайди. Агар иккинчисини ҳам берилса, учинчисини истайди. Одам боласининг қорнини тупроқдан бошқа тўлдиролмайди. Ва Аллоҳ тавба қилганнинг тавбасини қабул қилади».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан